

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИМОВ ОДИЛ ТЎХТАМИШОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ОРОНИМЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

УЎК: 811. 512.133'373. 811.512.133'276.6:63

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Бегимов Одил Тўхтамишович

Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи 3

Бегимов Адыл Тухтамишович

Историко-лингвистическое исследование оронимов Южного

Узбекистана 31

Begimov Adil Tukhtamishovich

Historical-linguistic research of oronim South Uzbekistan 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИМОВ ОДИЛ ТЎХТАМИШОВИЧ

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ОРОНИМЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.DSc/Fil 187 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Жабборов Хўжамурод
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамиддулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Хусанов Нишонбой Абдусатторович
филология фанлари доктори, профессор

Абдиев Муродқосим Болбекович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92; факс: +99366 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: +99366 239-11-40, +99366 239-18-92.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ. Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ҳ.А. Асланова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Э. Маматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори., профессор

КИРИШ (фан доктори(DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ономастика, хусусан, топонимиканинг бир тури сифатида оронимлар ҳам муҳим тарихий, миллий-маданий, ижтимоий ахборотлар ташувчи лисоний бирлик сифатида ўрганилмоқда. Ҳозирги кунга келиб муайян ареалга хос топонимик бирликларнинг барча турларини яхлит бир бутун тизим сифатида антропоцентрик, социолингвистик, семантик, номинацион-мотивацион, тарихий-этимологик жиҳатдан тадқиқ этишга талаб ортмоқда. Топонимларни лингвистик аспектда ўрганиш, лексик бирлик сифатидаги номлаш хусусиятларини таҳлил қилиш, ономастик бирликлар семантикасини ёритиш, тарихий, маданий, услубий семаларни тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида лингвистик, тарихий, географик топонимика, ареал лингвистикага оид изланишлар юзага келмоқда. Топонимиканинг таркибий қисмлари бўлган ойконимлар, гидронимлар, оронимлар, агиотопонимлар ва некронимлар каби бирликларни янги лисоний парадигмалар асосида тадқиқ этиш кун тартибига қўйилган. Топонимларни, хусусан, оронимларни тарихий-лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва такомилени ёритишда, номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини акс эттиришда аҳамиятлидир.

Ўзбек тилшунослигида топонимикани ўрганиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилган бўлса-да, республикамизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Жанубий Ўзбекистон минтақаси оронимияси тарихий-лисоний жиҳатдан алоҳида ўрганилмаган. “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуватлашимиз лозим”¹. Бугунги кунда ўзбек топонимикаси олдида барча вилоятлар топонимиясини замонавий тилшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Оронимларнинг семантик хусусиятларини лисоний, тарихий, географик, этнологик, социолингвистик ёндашувлар уйғунлигида ўрганиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради.

Оронимларни тўплаш, лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш улар тегишли бўлган ҳудуд тарихи, географияси, табиати, орографияси, аҳолининг этник таркиби, этнографияси, диалектологиясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли фармони, 2020 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б 22.

20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармонида мувофиқ тасдиқланган “2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси”, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрь, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномалари² каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ономастика, хусусан, унинг бир тармоғи ҳисобланган топонимларнинг тарихий-лисоний, луғавий-маъновий, грамматик ва прагматик, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, РФА Лингвистик тадқиқотлар институти, РФА Доғистон илмий марказининг Тил, адабиёт ва санъат институти, Урал федерал университети; The University of Adelaide (Australia); University of California, Boston University (АҚШ); University of Bordeaux (Франция); Peking University (ХХР); Oxford University Language Centre (Англия); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Самарқанд давлат университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё тилшунослигида ономастик бирликларни ўрганиш, уларда кечадиган энг муҳим жараёнларни таҳлил қилиш, тартибга солиш ва меъёрлаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган: тилнинг семиологик системаси тавсифланган, унинг структурасидаги бирликлар ҳамда парадигматик ва синтагматик муносабатлари аниқланган (University of Geneva, Швецария; Москва давлат университети, РФ); семантик муносабатлар тавсифланган (Oxford University Language Centre, Англия; Sorbonne College de France, Франция); сатҳлар ва уларни белгилашнинг асослари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети, Москва шарқшунослик институти, РФ; University of Toronto, Канада); иерархик муносабат лингвистик бирликларга татбиқ қилинган (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California,

² www.uza.uz

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи cheloveknauka.com, dslib.net, researchgate.net, bloomsbury.com, aims.fao.org, book.sumy.ua, www.utexas.edu, www.u-bordeaux.com, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

АҚШ); фонематик бирликларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари тавсифланган (University of Leipzig, Германия; Peking University, ХХР).

Дунё тилшунослигида ономастик, хусусан, оронимик бирликларни лингвистик хусусиятларини ўрганиш бўйича устувор йўналишларда бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: оронимик бирликларнинг шаклланиши ва тараққиёт манбалари асосида луғавий қатламлари, ном ясалиши билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш, оронимик бирликларнинг қўлланиш жараёнидаги аҳамиятини очиб бериш, оронимик бирликларнинг лисоний тизимдаги функционал-семантик тараққиётини асослаш, оронимик бирликларнинг системавий таҳлилини беришда уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари асосида тавсифлаш, оронимик бирликларнинг яратилиши, шаклланиши ва тараққиётида моддий асос вазифасини бажарувчи ойкографик, гидрографик ва орографик тушунчаларининг маъновий, функционал-услубий хусусиятларини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ўзбек топонимикасига тегишли ҳукуқий-меъёрий асослар яратилган бўлиб, у тегишли ҳужжатлар асосида тизимлаштирилган⁴. Ўзбек топонимикасини илмий асосда тадқиқ этишда Ҳ.Ҳасанов, С. Қораев, З. Дўсимов, Т. Нафасов, С. Губаева, Б. Ўринбоев, Ш. Қодирова, Л. Каримова, Ё. Хўжамбердиев, Т. Рахматов, Ж. Латипов, Н. Охунов, Т. Эназаров, Н. Улуқов⁵ каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. Улар топонимиканинг турли жиҳатларини қамраб олувчи тадқиқотлари билан ўзбек тили топонимиясини ўрганишнинг илмий-назарий асосларини яратишди, ўзбек тили ономастикасининг таркибий қисми сифатида топонимика йўналишига асос солишди ва унинг тараққиётига муҳим ҳисса қўшишди. Мазкур тадқиқотларда ўзбек тилида географик объектларнинг номланиши, номланиш мотивлари ва тамойиллари, луғавий-маъновий, этимологик, морфемик, грамматик, ясалиш хусусиятлари ҳамда тарқалиш ҳудуди тадқиқ этилди. Бу ишларнинг барчасида бошқа топонимик

⁴ 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларининг номларини тартибга солиш тўғрисида”ги 203-сонли қарор; 1996 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонун; 2004 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарор; Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни / Халқ сўзи, 2011, 13 октябрь, № 198. – Б.1.

⁵ Қаранг. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 83 б.; Қараев С. Топонимия Ўзбекистана (социолингвистические аспекты). – Ташкент, 1991.; Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasoflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 b. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005. – 240 б.; Нафасов Т. Топонимы Кашкардарьинской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.; Рахматов Т. Топонимия города Самарканд и его окрестностей: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1973. – С. 22; Ўша муаллиф. Фелъ топонимларининг ясалиши// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №5. – Б. 52-55.; Ўша муаллиф. Номлар ва ривоятлар//Саодат. – Тошкент, 1973. – №4. – Б. 27.; Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Бегалиев Н. Самарқанд топонимияси. – Самарқанд, 2011. – 128 б.; Туробов А. Самарқанд вилояти этноонимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 22 б.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарқанд, 1997. – 202 б.

материаллар қатори оронимлар ҳам у ёки бу даражада таҳлилга тортилган. Кейинги даврда ўзбек тили оронимиясини ҳудудий жиҳатдан тадқиқ этишга эътибор қаратила бошланди. Хусусан, Ш.Темировнинг Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқига бағишланган филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси⁶ бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Лекин шундай бўлса-да, бугунги кунда Ўзбекистон оронимларини ўзбек тили атоқли отларининг ўзига хос тизими сифатида тарихий-географик, тарихий-лисоний жиҳатдан ўрганиш, оронимика соҳасининг илмий-назарий асосларини янада бойитиш ва шу орқали бу соҳага тегишли ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш йўли ва усулларини белгилаш каби масалаларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур диссертацияда ўзбек тили оронимикасига боғлиқ ана шу жиҳатлар Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида тадқиқ қилинди.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замоновий лексика ва миллий луғатчиликнинг назарий ҳамда амалий масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида оронимиканинг назарий масалаларини ёритиш, орографик объектларнинг номланиш тамойилларини, оронимларнинг луғавий-маъновий, хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оронимлар таркибига кирадиган объект номлари доирасини белгилаш;
оронимика соҳаси ўрганадиган илмий-назарий муаммолар ва амалий масалаларни аниқлаш;

оронимиканинг бошқа фанлар, жумладан, тилшуносликнинг турли бўлимлари билан алоқаси ҳамда аҳамиятини ёритиш;

оронимик материалларнинг тилшунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниш даражасини аниқлаш ва шу асосда, ўзбек топонимикасининг бу соҳага оид муаммоларини белгилаш;

оронимик индикаторларнинг функционал хусусиятларини аниқлаш; уларнинг адабий ва лаҳжавий вариантларига хос луғавий-маъновий хусусиятларини кўрсатиш ҳамда илмий жиҳатдан умумлаштириш;

ўзбек тили оронимларининг юзага келиши, шаклланиши учун асос бўлган лисоний ва нолисоний омилларни аниқлаш, шунингдек, оронимик номинация тамойилларини белгилаш;

оронимларнинг луғавий-маъновий хусусиятларини ўрганиш, уларни лисоний жиҳатдан таснифлаш;

ўзбек тили оронимларининг хронологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва шу асосда уларда содир бўлган лисоний ўзгаришларга хос қонуниятларни аниқлаш;

⁶ Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 51 б.

оронимларнинг топонимиянинг бошқа турлари билан лисоний муносабатларини кўрсатиш;

оронимлар сирасида характерли бўлган айрим номларни этимологик таҳлил қилиш;

ўзбек тили оронимларининг морфемик таркибини аниқлаш ва шу асосда уларнинг ясалиш ва тузилиш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий, географик асарлар, табиий-географик хариталар, энциклопедик, топонимик луғатлардан, шунингдек, диссертант томонидан мустақил равишда ўтказилган изланишлар ва кузатишлар натижасида Жанубий Ўзбекистон бўйича тўпланган икки мингга яқин ороним ва оротопонимлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний, номинацион-мотивацион, луғавий-маъновий, тузилиш ва ясалиш хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, этимологик, статистик, компонент таҳлил, тавсифлаш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оронимларнинг халқ тарихи, маданияти, ижтимоий муносабатларини кўрсатувчи лисоний бирлик сифатидаги фонетик, лексик, семантик ва этимологик хусусиятлари очиқ берилган;

оронимларнинг юзага келишида нисбийлик, позитивлик, нисбий негативлик тамойилларининг мавжудлиги когнитив ва лексикографик таҳлил асосида аниқланган;

оронимларнинг шаклланишида шахс омилининг тутган антропоцентрик ўрни ва концептуал, лингвокогнитив, лингвомаданий аҳамияти аниқланган;

оронимлар учун мотив ҳисобланган ва луғавий асос қилиб олинган табиий-географик, тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ва маданий белги-хусусиятлар ва ҳаракат-ҳолат тушунчалари мавжуд материаллар асосида далилланган;

ўрганилаётган ҳудуд оронимиясининг бошқа ареаллар билан табиий-географик хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи муҳим лисоний манба сифатидаги умумий, қадимийлиги, табиийлиги, турғунлиги ва яшовчанлиги ҳақида маълумот берувчи хусусий жиҳатлари луғавий материаллар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оронимия бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги учун муҳим илмий маълумот бериши, ўзбек тили топонимикаси бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, диалектология, топонимика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

соҳавий, изоҳли, таржима луғатлари яратиш ва ўзбек тили миллий корпусини шакллантиришда материал ва манба сифатида хизмат қилади;

Ўзбекистон тарихи, этнографияси, географиясини ўрганиш билан боғлиқ фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш учун материал ва манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, этимологик, математик-статистик каби усуллар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, оронимлар тадқиқига ўзбек тилининг табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили ономастикасини, жумладан, топонимика соҳасини муайян илмий қарашлар ва фактлар билан бойитади, топонимик ареалдаги ижтимоий, лисоний, тарихий, географик ўзгаришларни кузатиш имконини беради. Диссертациянинг тадқиқ усулларида бошқа ҳудудлар оронимиясини илмий жиҳатдан ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тилшунослик фани, жумладан, топонимика, оронимика бўйича дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар яратиш, ўзбек тили топонимлари ва оронимларининг изоҳли луғатларини тузиш, лингвистика, тарих, география фанлари бўйича бакалавриат ҳамда магистратура таълим йўналишларида махсус курс, махсус семинар машғулотларини ўтиш, Ўзбекистоннинг, хусусан, Жанубий Ўзбекистон (Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари) оронимик, табиий-географик хариталарини тузиш, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, географияси ва табиатини ўрганишда муҳим манба бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон халқи маданияти ва маънавиятига таъсир этган омиллар хусусида келтирилган материаллардан миллий маънавий меросга муносабат, маданият, кадриятлар, халқ оғзаки ижоди, фольклор этнографик анъаналарга ёндашув масалаларига оид таҳлилий маълумотларни ишлаб чиқиш; маданий соҳага доир атамалар луғатида маданият, маънавият, маданий мерос, кадрият, миллий маданият каби масалаларни изоҳлашда 2007 - 2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” номли фундаментал илмий тадқиқот доирасидаги лойихада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 31 июндаги 83-03-2340-сон маълумотномаси). Натижада, халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини ҳамда тилнинг тарихий тараққиётини ёритиш масалаларига оид таҳлилий маълумотлар такомиллаштирилган;

миллий маънавий меросга муносабат, маданият, кадриятлар, халқ оғзаки ижоди, фольклор этнографик анъаналарга ёндашув масалаларига оид таҳлилий маълумотларни ишлаб чиқиш, маданий соҳага доир атамалар луғатида маданият, маънавият, маданий мерос, кадрият, миллий маданият

каби масалаларни изоҳлашда 2007 – 2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-002 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89-03-498-сон маълумотномаси). Натижада, инсоннинг табиати ва маънавий дунёсининг маҳсули сифатида тилнинг номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини акс эттиришдаги аҳамияти мукаммалаштирилган;

оронимлар учун мотив ҳисобланган ва луғавий асос қилиб олинган табиий-географик, тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ва маданий белги-хусусиятлар ва ҳаракат-ҳолат тушунчалари мавжуд материаллар асосида далилланишига оид хулосаларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Файзли кун”, “Диёр янгиликлари” ахборот дастурларида, шунингдек, тил ва топонимияга оид кўрсатувларда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 февралдаги 66-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, оронимлар луғати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ҳажми 243 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқотда фойдаланилган усуллар, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Оронимлар ва уларнинг тадқиқи”** деб номланган. Унинг “Ороним ва оронимика тушунчалари ҳақида” деб номланган биринчи бўлимида оронимлар тушунчаси, унинг доираси, кўлами, оронимика соҳаси ўрганадиган илмий-назарий муаммолар, унинг амалий жиҳатлари, тилшунослик соҳалари ва бўлимлари, шунингдек, бошқа фанлар билан алоқаси каби масалалар ёритилган.

Оронимлар ва оронимика тушунчаларини шарҳлашда рус олимлари Е.М. Поспелов, А.В. Суперанскаяларнинг ишларига мурожаат қилинган⁷.

Ономастик терминологияга оид луғатларда келтирилишича, ороним – топонимнинг бир тури, ер юзаси рельефининг ҳар қандай (мусбат ва манфий) элементи, яъни орографик объектларнинг атоқли оти. Ороним термини таркибига кўра грекча *oros* – тоғ, *опута* – ном каби маъноли қисмлардан иборат. Оронимлар йиғиндиси оронимия; топонимиканинг маълум бир тил ё регион оронимлари мажмуини, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва шаклланишини ўрганадиган бўлими оронимика дейилади⁸.

Ороним ва оронимика тушунчаларини таърифлаш ва тадқиқ этиш объектини белгилашда ўзбек топонимистларидан С.Қораев, З.Дўсимов, М.Тиллаева, С.Каримов, С.Бўриев, Т.Эназаров, Э.Бегматов, Н.Улуқов, Я.Авлақулов, И. Исломов, Ш. Темиров⁹ ишларига мурожаат қилинди.

Топонимияга оид илмий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда ороним ва оронимия тушунчаларига нисбатан айтилган фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1) фақат тоғ (рельефнинг мусбат шакллари) номлари; 2) рельефнинг мусбат ва манфий шакллари номлари; 3) рельефнинг мусбат ва манфий ҳамда оралик (ноль) шакллари номлари.

Оронимика тилшуносликнинг назарий ва амалий характерга эга бўлган соҳаларидан бири бўлиб, у ҳам топонимиканинг бошқа бўлимлари қатори ўзининг ўрганиш объекти ва предметига эга.

Биринчи бобнинг 2-бўлимида оронимиянинг назарий масалалари ҳақида фикр юритилган бўлиб, бу масалалар “Рус ва туркий тилшуносликда оронимларнинг ўрганилиши”, “Ўзбек тили оронимиясининг тарихий манбалари”, “Ўзбек тилшунослигида оронимияга оид тадқиқотлар” мавзулари остида тадқиқ этилган.

Рус тилшунослигида оронимларни лисоний сатҳда ўрганиш ишлари ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланди. Биринчилардан бўлиб, оронимларни мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганиш О. Т. Молчанова томонидан амалга оширилган¹⁰.

Кейинчалик олиманинг топонимика, хусусан, оронимика соҳасидаги илмий изланишлари маҳсули сифатида бир қатор мақолалари, Тоғли Олтой

⁷Қаранг. Поспелов Е. М. Оронимика СССР: состояние и проблемы// Оронимика (Сборник статей). – Москва, 1969. – С. 4.; Суперанская А.В. Что такое топонимика? – Москва: Наука, 1984. – С. 22.

⁸ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 105.

⁹ Қаранг. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 193; Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – В. 66.; Дўсимов З., Тиллаева М. Топонимика асослари. – Тошкент, 2002. – Б. 82.; Каримов С.А., Бўриев С.Н. Ўзбек топонимикаси тараққиёт босқичида. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 44.; Эназаров Т. Номшунослик масалалари. – Тошкент, 2010. – Б.78.; Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 63.; Авлақулов Я.И. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. ном... диссер автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 27.; Исломов И. Ўзбек тилида ер сатҳи кўринишларини ифодаловчи атов бирликлар тизими: Филол. фан. фалсафа докори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2019. – 124 б.; Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалсафа докт. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 51б.

¹⁰ Молчанова О.Т. Гидронимы и оронимы Горно-Алтайской автономной области (лингвистический анализ): Автореф. дис. ... канд. фидол. наук. – Томск, 1968. – 22 с.; Молчанова О.Т. Географические термины горной части Алтая // Языки и топонимия Сибири. – Томск, 1970. – С. 15.

ўлкаси топонимик луғати нашр этилди¹¹. Мазкур луғатда ҳудуд оронимларининг изоҳи ҳам ўз ифодасини топган.

1969 йилда оронимиканинг ўрганиш муаммоларига бағишланган илк илмий мақолалар тўплами нашр этилди¹². Бу тўпланда тилшунослардан В. Д. Бандалетов, Л. Л. Трубе, В.А. Никонов, Ю.А. Карпенко, Г. И. Донидзе, Э.М. Мурзаев, Н.А. Баскаков, О.Т. Молчанова, А.В. Суперанская, А.З. Розенфельд, В.И.Савина ва бошқаларнинг оронимиянинг турли масалаларига бағишланган илмий мақолалари ўрин олган.

Туркий тилшуносликда оронимика соҳасининг шаклланиши, оронимларнинг лисоний тадқиқига бағишланган илмий ишлар ҳам юзага келди. Шу даврларда Е.А. Каримбаев, В.Н. Поповаларнинг Жанубий Қозоғистон орографик терминологияси тадқиқига бағишланган мақоласи туркий оронимлар ва орографик терминологиясини ўрганишда муҳим ҳисса бўлиб қўшилди¹³. Ундан ташқари, Е. Койчубаев¹⁴, Г.К. Конкашпаев¹⁵, К. Конкобаев¹⁶ларнинг ишларида ҳам туркий тилларга тегишли орографик терминлар ва улардан шаклланган оронимларнинг тадқиқи у ёки бу даражада ўз ифодасини топган.

Ўтган асрнинг охири чорақларида туркий оронимларни монографик тарзда ўрганишга бағишланган бир қанча ишлар вужудга келди. Ахмедов Тофик Мурсали ўғли¹⁷, Исрафилов Вагиф Исмаил оглы¹⁸, Р. Д. Сунчугашев¹⁹, Н. А. Ласиноваларнинг²⁰ диссертациялари шулар жумласидандир.

“Ўзбек тили оронимиясининг тарихий манбалари” бўлимида Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган турли тилларга мансуб лисоний бирликлардан шаклланган орографик сўз ва терминлар ҳамда улардан ясалган оронимлар тўғрисида маълумот бера оладиган манбалар ҳақида фикр юритилган.

Қадимги жой номлари тўғрисида маълумот берадиган энг қадимги ёзма манба, шубҳасиз, Авесто ҳисобланади²¹. Диссертацияда Авесто асарида учрайдиган оронимлар ҳақида кенгрок тўхталилган.

Шунингдек, диссертацияда Х асрга тегишли форс тилида ёзилган «Худуд ал-олам»²², Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк”²³,

¹¹ Молчанова О.Т. Топонимический словарь Горного Алтая. – Горно-Алтайск: Горно-Алтайское отделение Алтайского книжного издательства, 1979. – 396 с.

¹² Оронимика. Сб. Статей // Ред. Коллегия В. Д. Беленькая и др. – Москва: ЦЫИИГАИК, 1969. – 284 с.

¹³ Каримбаев Е.А., Попова В.Н. Орографические термины Южного Казахстана// Ономастика Средней Азии. 2. – Фрунзе, 1980. – С. 211-217.

¹⁴ Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. – Алма-Ата:Наука, 1974. – 274 с.

¹⁵ Конкашпаев Г.К. Словарь казахских географических названий. – Алма-ата:Наука, 1963. – С. 184.

¹⁶ Конкобаев К. Топонимия Южной Киргизии. – Фрунзе:Блым, 1980. – С. 170.

¹⁷ Ахмедов Тофик Мурсали оглы. Система азербайджанский топонимов: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Баку, 1987. – 55 с.

¹⁸ Исрафилов Вагиф Исмаил оглы. Азербайджаноязычные оронимы и гидронимы Грузинский ССР: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1989. – 22 с.

¹⁹ Сунчугашев Р.Д. Оронимия Хакасии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1999. – 22 с.

²⁰ Ласынова Н.А. Оронимия юго-восточного Башкортостана (Лингвистический анализ): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – 23 с.

²¹ Каранг. Авесто (Тарихий-адабий ёдгорлик). – Тошкент: Шарқ, 2001.

²² Худуд ул-олам // Масъул муҳаррир М. Исоқов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 64.

²³ Каранг. Кошғарий М. Девону луғатит турк. – Тошкент: Фан, Т. I, 1960, – 449 б.; Т. II, 1961, – 427 б.; Т. III, 1963, – 466 б.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”²⁴, вақф ишларига бағишланган “Вақфнома”²⁵ асарларининг оронимларни ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида фикр юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ўзининг оронимлар тўғрисидаги бой материаллари билан бошқа ҳар қандай тарихий манбадан ажралиб туриши кўрсатилган ва ундаги оронимияга оид материаллар кенг таҳлил қилинган²⁶.

Диссертацияда академик Я. Ғ. Ғуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” асарида қўлланган топонимик объектларга тегишли тарихий-этимологик изоҳлар ва таҳлилларга ҳам муурожаат қилинди²⁷.

Диссертациянинг “Ўзбек тилшунослигида оронимияга оид тадқиқотлар” номли бўлимида ўзбек тилшунос олимлари томонидан оронимларни ўрганиш юзасидан амалга оширилган ишларга муносабат билдирилган.

Ўзбекистон топонимларининг том маънодаги лисоний жиҳатдан систематик тадқиқи 60-йиллардан бошланган бўлиб, у кўплаб номзодлик ва докторлик ишлари даражасида махсус ўрганилди²⁸.

Диссертацияда Ўзбекистон топонимлари юзасидан амалга оширилган мазкур тадқиқотларда оронимлар тадқиқи ва таҳлили қай даражада эканлиги қисқача шарҳланган.

2019 йилда Ш. Темиров “Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди²⁹. Диссертацияда унинг таҳлиliga алоҳида тўхталилган.

²⁴ Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. – Тошкент: Шарк, 1997. – Б.288.

²⁵ Чехович О.Д. Самарқандские документы XV-XVI вв.: О владениях Ходжа Ахрара в Средней Азии и Афганистана // Памятники письменности Востока, вып. 31. – Москва: Наука, 1974. – 631 с.

²⁶ Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960. – 513 б.

²⁷ Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1959. – 324 б.

²⁸ Қаранг. Караев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 26 с.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук.

– Ташкент, 1968. – 24 с.; Дусимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма. Автореф.дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент, 1986, – 52 с.; Хужамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1974. – 19 с.; Закиров А.А. Топонимия Джизакской области Узбекской ССР. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.

– Москва, 1991. – 20 с.; Мингбаев Н.Я. Топонимия Мирзачуля (историко-лингвистический анализ). Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1988. – 22 с.;Холмуминов Х. Микропонимия Бойсунского района и его окрестностей. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 21 с.; Эназаров Т. Шахрисабз худуди жой номларининг тарихий-қиёсий таҳлили: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 24 б.; Эназаров Т.Ж. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 56 б.; Охунов Н. Топонимия Какандской группы районов. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1978. – 23 с. ; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. - Москва, 1973. – 22 с.; Латипов Дж. Топонимы города Маргилана и его окрестностей. Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975.

– 36 с.; Хуррамов К. Узбекские народные географические термины: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 22 с.; Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами. Филол. фан. ном. дисс. ... автореферати, - Тошкент, 1999. – 27 б.; Бўриев С.Н. Ургут тумани микропонимларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010. – Б.16.;Аслонов А. С. Шофиркон тумани микропонимиясининг лингвистик таҳлили. Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. – Б.23.; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.; Ражабов Ў. Х. Топонимик индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари: Фил. фан. номзод. дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. – С. 19.

²⁹ Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалс. докт. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 516.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Оронимик индикаторларнинг лисоний тадқиқи**” деб номланган. Унинг “Оронимик индикаторлар тушунчаси ва уларнинг ўрганилиши” номли бўлимида ОИлар ва уларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари ҳамда ономастик вазифалари ёритилган.

Тилшунослик соҳасида қилинган тадқиқотларда ва шу соҳага дахлдор илмий адабиётларда “оронимик термин” тушунчасини номлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, рус тилшунослари Г.И.Донидзе, Н.А. Баскаков, О.Т. Молчанова, В.А. Никоновлар оронимлар тадқиқига бағишланган мақолаларида “географик термин”, “орографик термин”, “оронимик термин” тушунчаларини қўллашган³⁰.

Ахмедов Тофик Мурсалы оглы ҳам “географик номен”, “оронимик сўзлар” ва айрим ўринда умумий тарзда “индикатор” терминларини қўллаган³¹. Исрафилов Вагиф Исмаил оглы ўз ишида “номенклатура термин”, “топотермин” каби аталишларни қўллаган³².

Индикатор топонимлар таркибида қўлланиб, топонимнинг қайси турига мансублигини кўрсатувчи географик термин ҳисобланади, лотинча *indikator* - “кўрсаткич” маъносини англатади³³.

Ўзбек тилшунослигида топонимлар тадқиқига бағишланган илмий тадқиқотлар (илмий мақолалар ва диссертацион ишлар)да “топонимик индикатор” терминини қўллаш аънанаси ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланган. Буни З. Дўсимовнинг топонимик индикаторларга бағишлаб ёзган мақоласида кўриш мумкин³⁴.

Т.Нафасов тадқиқотларида индикатор тушунчаси «Жой номи ясашда қатнашиб, унинг таркибида объект турини билдирадиган сўз», – сифатида изоҳланган³⁵.

Ўтган асрнинг охириги ўн йилликларида топонимлар тадқиқига бағишланган илмий ишларда “топонимик термин” ўрнида “топонимик атама” деган номланиш ҳам истеъмолга кирган эди³⁶.

Ўтган асрнинг 80-йиллари “топонимик индикатор” термини ўрнида “топонимик аниқлагич” термини ҳам қўлланила бошланди³⁷.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да индикатор термини асли лотинча *indicator* сўзидан олинган бўлиб, «кўрсаткич», «индикатор» деган луғавий маънони ифодалаши кўрсатилган³⁸.

³⁰ Донидзе Г.И. Оронимическая лексика тюркских языков Советского Союза// Оронимика (Сборник статей). – Москва, 1969. – С.33.; Баскаков Н. А. Принципы избирательности наименования гор у алтайцев горного Алтая//Оронимика (сборник статей). – Москва, 1969. – С. 39-42.; Молчанова О. Т. Структура оронимов и гидронимов горного Алтая// Оронимика (сборник статей). – Москва, 1969. – С. 42-46.; Никонов В.А. Заметки по оронимии Киргизии// Ономастика Средней Азии. – Москва, 1978. – С. 86-105.

³¹ Ахмедов Тофик Мурсалы оглы. Система азербайджанский топонимов: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Баку, 1987. – 55 с.

³² Исрафилов Вагиф Исмаил оглы. Азербайджаноязычные оронимы и гидронимы Грузинский ССР: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1989. – 22-стр.

³³ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 133.

³⁴ Дўсимов З. Топонимик индикаторлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – № 5. – Б. 71-74.

³⁵ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – Б. 287.

³⁶ Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил): Филол. фанлари номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 1994. – Б. 20.

³⁷ Наимов С. Топонимик аниқлагичлар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 4. – Б. 63-64.

³⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. – 1-т. – Б. 327.

Демак, жой номлари таркибида қатнашиб, улар ифодалаган объектни билдирувчи луғавий бирликларни индикаторлар деб номлар эканмиз, оронимлар таркибида келиб, уларни шу типдаги объектга тегишли эканлигини кўрсатувчи терминларни оронимик индикаторлар деб тушунишимиз ва аташимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек тили топонимик тизимидаги индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари Ў. Ражабов томонидан махсус ўрганилди³⁹. Шунингдек, гидронимик индикаторларнинг лисоний хусусиятлари Н. Улуков⁴⁰ томонидан махсус ўрганилган.

Ш.Темиров ҳам ўз ишида *оронимик индикатор* терминини қўллашни маъқул топади. У оронимлар таркибида қўлланиб, ном ифодалаётган объектнинг қандай орографик объект эканлигини англатувчи луғавий бирликлар оронимик индикаторлар эканлигини таъкидлайди⁴¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида ОИ⁴²ларнинг миқдори кўп, ареали эса кенг. Шунинг учун, ҳозирги ўзбек адабий тили, шева ҳамда лаҳжаларига хос бўлган ОИларни тўплаш, уларнинг луғавий-маъновий, этимологик хусусиятларини қиёсий-типологик метод асосида ареал тилшунослик нуқтаи назаридан синхроник ва диахроник жиҳатдан ўрганиш оронимлар тадқиқида муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи бобнинг “Ўзбек тили оронимик индикаторларининг луғавий-маъновий таҳлили” бўлимида ўзбек адабий тили ва унинг шеваларига хос ОИларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари тадқиқ этилган.

ОИлар, асосан, этнолингвистик жиҳатдан туркий, эроний (қадимги сўғд, форс-тожик), араб, мўғул тилларига мансуб луғавий бирликлардан иборат. Жумладан, тоғ, қир, тепа, яйлов, қўл, қашқа каби индикаторлар туркий; бароз, варғ, шох, дашт, тахта, газа каби индикаторлар сўғдий; кўх, дара, танги, тўда, санг, ғурум, чамбар, шўр каби индикаторлар форс-тожик; ақба, супа, шайит, сахро, бурж каби индикаторлар араб; мўла, довон, қапчиғай каби индикаторлар мўғул тилларига мансубдир.

Шунинг учун ОИлар этнолингвистик жиҳатдан икки гуруҳга ажратилди:

1. Туркий тилларга тегишли оронимик индикаторлар.

2. Ўзга тилларга тегишли оронимик индикаторлар.

Ўз навбатида, ўзбек тилида қўлланадиган орографик терминлар рельефнинг қандай шаклини ифодалаш хусусиятига кўра икки катта гуруҳга ажратилди:

1. Рельефнинг мусбат шаклини ифодаловчи орографик терминлар: тоғ, чўкки, қир, қоя, тош, қия, тепа, довон, бел, сирт, адир, кўтал, орт, дўнг, кўх, санг, мўла, нура, айдар, мас//мос, тахта, аланг, қўл, шоти, айри, суйри, ақба//ағба, тубак, қалоқ, бўктар, сингир, байир, тумшук ва б.

³⁹ Ражабов Ў. Х. Топонимик индикаторларнинг функционал-семантик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 19.

⁴⁰ Қаранг. Улуков Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 45.

⁴¹ Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалс. докт... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.20.

⁴² ОИ – оронимик индикатор

2. Рельефнинг манфий (текис ва ботиқ) шаклини ифодаловчи терминлар: чўл, газа, дара, танги, зов, жар, камар, дашт, ўр, ўра, майдон, супа, ёна, ширам, чукур, хандақ, кум, чамбар, тўла, шўр, бет, ҳавол, ҳавор, ғор, поя, кўрук, туз ва б.

Орографик характерга эга бўлган терминларни оронимлар яшаш хусусиятига кўра икки гуруҳга ажратилди:

1) оронимлар ясашишига хизмат қилмай, фақат орографик тушунчани ифодалайдиган, яъни орографик индикаторлар;

2) орографик объектларнинг номларини яшашга хизмат қиладиган оронимик индикаторлар.

Диссертацияда иккинчи гуруҳни ташкил этувчи ОИлар тадқиқ объектимишга кирганлиги учун фақат уларнинг луғавий-маъновий, тарихий-этимологик таҳлилига тўхталдик.

Ўз навбатида, биз бу гуруҳга кирувчи ОИларни қандай тушунчани ифодалаган сўзлардан келиб чиққанлигига кўра қуйидаги икки гуруҳга ажратдик:

1. Асл орографик-оронимик маънога эга бўлган сўзлардан келиб чиққан ОИлар: тоғ, қоя, қир, чўққи ва б.

2. Орографик-оронимик маънога эга бўлмаган сўзлардан келиб чиққан ОИлар: бош, бел, орқа, ёл, тумшук, шўр ва б.

Жанубий Ўзбекистон оронимлари учун характерли бўлган қуйидаги индикаторлар “Асл орографик-оронимик маънога эга бўлган сўзлардан келиб чиққан ОИлар” сифатида тадқиқ этилди: айри, аланг, арба, ақба//ағба//овға, байир//бойир, банд, бароз, газа, дапсан //депсан //депсен //тепсен, дара, довон//дабон, доман//домона, думалоқ, дўнг, жалтир //чалтир // ялтир, жар, зов, камар, кулли//кулла, кўтал, кўх, мос//мас, нур//нура, орт//арт, орқавул, ота (туркча - ада), пушта, санг//занг, сингир//сангир, сирт, тал//талл, танги, тарам, тарпи, тахта, тақир, тепа//тува, тош, тоқча//такча, тоғ, тўла, ува, ховал, ховар, чағат, чағил//чағал, чов, чунгул//чунгур, чўққи, ширам, шоти, ўйик, қайрак//қадрок, қайқи, қалок, қапчиғай, қарғ, қир, қоя, қурум//ғурум, кўрам, ғут//хут, ғар.

Асли орографик-оронимик маънога эга бўлмаган сўзлардан келиб чиққан ОИлар сифатида бағир//бовир, бел, бош, бурун, тумшук, бўйин, бўйноқ//мўйноқ, оғиз//овиз, қангшар//қаншар, қовок, қош, қўл//қол// қул//ғул, шох//шах кабилар тадқиқ этилди.

Диссертациянинг “Ўзбек тили оронимларининг луғавий-маъновий хусусиятлари” деб номланувчи учинчи бобида орографик объектларнинг номланиш тамойиллари, улар учун характерли бўлган оппозиция, оронимик объектларнинг номланишида позитивлик ва негативлик тамойилларининг намоён бўлиши, шунингдек, оронимларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари атрофлича таҳлил этилган.

Маълумки, топонимларда учрайдиган нисбийлик, позитивлик ва негативлик тамойиллари ва уларга хос бўлган хусусиятлар тилшунос олимлар томонидан ўрганилган ва илмий жамоатчиликка маълум қилинган. Жумладан, унга тегишли тадқиқотларни рус тилшуносларидан В.А.

Никонов⁴³, Л.М. Майдонова⁴⁴, ўзбек тилшуносларидан З. Дўсимов⁴⁵, Т. Нафасов⁴⁶, Н. Улуқов⁴⁷ ишларида кўриш мумкин.

“Орографик объектларнинг номланишда нисбийлик тамойили” бўлимида нисбийлик тамойили бирон-бир орографик объектга тегишли белги-хусусиятни бошқа объектга қиёслаш, таққослаш ва солиштириш асосида унинг белгиларидан бирини танлаб олишда намоён бўлиши масаласи ёритилди. Орографик объектларни нисбийлик тамойили асосида номлаш жараёнида оронимларда зидлик муносабатлари вужудга келиши аниқланди. Оронимлардаги бу зидлик муносабатларини топонимиянинг бошқа турларида бўлгани каби оппозиция тушунчаси билан ифодалашни маъқул топдик.

Бу масалани тадқиқ этишда рус⁴⁸ ва ўзбек тилшунослари⁴⁹ ишларига таянилди.

Ўтказилган таҳлиллар Жанубий Ўзбекистон оронимиясида объектларнинг қуйидаги белги-хусусиятлари асосида вужудга келган оппозиция мавжудлигини кўрсатди:

1. Объектнинг ҳажм-ўлчов белгиси асосида юзага келган оппозиция: Катта тарпи – Кичик тарпи (Чр., баландлик), Катта тақир – Кичик тақир (До., баландлик), Катта Тумшук – Кичиктумшук.

2. Объектнинг шакл хусусиятига кўра юзага келган оппозиция: Тумшук – Айланатумшук, Тепа – Ялпоқтепа, Санг – Лўндасанг.

3. Объектнинг жойлашиш ўрнига кўра юзага келган оппозиция: Тумшук – Юқоритумшук – Ўртатумшук, Терскай – Ўнгай, Юқоритакча – Пасттакча, Қир – Бўлаққир, Сардара – Поёндара, Кўтал – Саркўтал.

4. Объектнинг ранг-тус белгиси асосида юзага келган оппозиция: Кўҳисафед – Кўҳисиёҳ, Оқтоғ – Қоратоғ, Олатоғ – Қўнғиртоғ ва б.

5. Объектнинг миқдор белгиси асосида юзага келган оппозиция: Якарча – Арчазор, Етимтахта – Бештахта, Етимтепа – Қўштепа, Етимқиз – Қирққиз.

⁴³ Никонов В.А. Пути топонимического исследования // Принципы топонимики. – Москва, 1964. – С. 77-79.

⁴⁴ Майдонова Л.М. Процесс номинации и номинативные варианты // Вопросы топонимологии. – Свердловск, 1971. – № 6. – С. 23-34.

⁴⁵ Дўсимов З. Топонимлар номинациясида нисбийлик принциплари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – № 4. – Б.12-15; Дўсимов З. Топонимлар номинациясида позитивлик ва негативлик принциплари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – № 5. – Б. 33-37.

⁴⁶ Нафасов Т. Объектларнинг номланишига доир// Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Қарши-Тошкент, 1976. – Б. 56-59; Нафасов Т. Номланишда нисбий негативлик//Насаф тилшунослиги масалалари. – Тошкент, 1997. – Б. 3-5.

⁴⁷ Улуқов Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. Докторлик дисс. автореферати, – Тошкент, 2010. – Б. 45.

⁴⁸ Никонов В. А. Введение в топонимику. – Москва: Наука, 1965. – 179 с.; Суперанская А. В. Теоретические проблемы региональных топонимических исследований// Материалы конференции по ономастике Узбекистана. – Джизак, 1985. – С. 10-11; Донидзе Г. И. Отрицание в тюркской топонимии// Ономастика Средней Азии. – Москва, 1978. – С.48-52; Крепанова А.П. Антонимия в ономастике// Nomina appellativa et nomina propria: Тезисы докладов. – Краков, 1978. – С.127; Молчанова О. Т. Образование топонимов, выражающих отношения противопоставленности//Ономастика Киргизии. – Фрунзе, 1985, вып. 1. – С. 51-59;Никонов В. А. Введение в топонимику. – Москва: Наука, 1965. – 179 с.

⁴⁹ Дўсимов З. Топонимлар номинациясида нисбийлик принциплари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. -№ 4. – Б.12-15; Нафасов Т. Номланишда нисбий негативлик// Насаф тилшунослиги масалалари. – Тошкент, 1997. – Б. 3-5; Улуқов Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б. 45.

6. Объектнинг ҳолатини ифодаловчи белги асосида юзага келган оппозиция: Қапчиғай – Кўрқапчиғай, Дара – Кўрдара.

7. Объектнинг турли белги-хусусиятлари асосида юзага келган оппозиция: Зангтепа//Сангтепа – Ертепа.

Диссертациянинг “Оронимларнинг позитивлик ва негативлик тамойиллари асосида вужудга келиши” мавзуси остида орографик объектларнинг номланишида позитивлик ва негативлик тамойилларининг намоён бўлиши тадқиқ этилган.

Орографик объектларни номлашда унинг табиий-географик хусусиятлари ёки номланиш учун асос бўлаётган бирон-бир воқеа-ҳодиса билан боғлиқ тушунчани ифодалай олишга асосланиши позитивлик (лотинча *positivus* – мусбат, ижобий) тамойили дейилади.

Диссертацияда позитивлик тамойилида орографик объектларнинг ориентирловчи, уни бошқа шу типдаги объектлардан фарқловчи, объектга хос табиий-географик реалликни ифодаловчи кўплаб белги-хусусиятлар номлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши бир қанча гуруҳларга ажратилиб таҳлил этилган.

Тадқиқотлар натижасида оронимлар номинациясида позитивлик принципи кенг тарқалган қонуният ҳисобланади деган хулосага келинди.

Э. М. Мурзаев таъбири билан айтганда, у номланишда шакл ва мазмун жиҳатидан биринчи ўринда туради⁵⁰.

Орографик объектларнинг типик (характерли) бўлмаган белги асосида номланиш қонунияти негативлик (лотинча *negativus* - манфий, салбий) тамойили дейилади. Бу номланиш топонимларнинг номланиши учун типик (характерли) бўлган позитивлик тамойилига нисбатан олинган. Бу негативлик мутлоқ бўлмай, **нисбийлик характери**ни намоён қилади.

Нисбий негативлик масаласи, дастлаб, В. А. Никонов томонидан аниқ баён қилинган ва назарий жиҳатдан умумлаштирилган⁵¹. Кейинги даврларда бир қатор номшунослар⁵² ишларида бу тамойил турли топонимик материаллар асосида таҳлил қилинган ва унинг мавжудлиги исботланган.

Оронимларга хос нисбий негативлик тамойилини тадқиқ этишда юқорида кўрсатилган олимларнинг ишларига таянилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, номланишда нисбий негативликнинг моҳияти оронимнинг келиб чиқишига асос бўлган сўзнинг қатъий равишда дифференциал (фарқловчи) хусусиятга эга бўлишида намоён бўлади. Масалан, ўхшашлик асосида яратилган оронимларда бу хусусият яққол кўринади. Жумладан, Жанубий Ўзбекистон оронимиясига хос бўлган Келинтош, Дастортош, Одамтош, Тумшуктоғ, Зингирак (чўкки) каби оронимларда шу хусусиятларни кўриш мумкин.

⁵⁰ Мурзаев Э. М. География в названиях. – Москва: Наука, 1982. – С. 120.

⁵¹ Никонов В.А. Пути топонимического исследования // Принципы топонимики. – Москва, 1964. – С. 77-79.

⁵² Мурзаев Э. М. География в названиях. – Москва: Наука, 1982. – 176 с.; Карпенко Ю.А. Топонимы и географические термины (вопросы взаимосвязи)//Местны географические термины. – Москва: Мысль, 1970. – С. 36 – 45; Дўсимов З. Топонимлар номинациясида позитивлик ва негативлик принциплари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – № 5. – Б. 33-37; Нафасов Т. Номланишда нисбий негативлик// Насаф тилшунослиги масалалари. – Тошкент, 1997. – Б. 3-5; Улуқов Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б. 45.

Диссертациянинг “Оронимларнинг луғавий-маъновий таснифи” деб номланган қисмда Жанубий Ўзбекистон ҳудудига тегишли оронимларнинг номланиш асоси ва луғавий-маъновий хусусиятлари тадқиқ этилган. Бунда улар “Орографик объектларнинг табиий-географик белги ва хусусиятлари асосида номланиши”, “Орографик объектларнинг тарихий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий ва бошқа омиллар асосида номланиши” каби икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилган.

Орографик объектларнинг табиий-географик белги ва хусусиятларига кўра номланиши қуйидагича гуруҳланди:

1. Объектнинг ранг-тус белгисига хос хусусиятлар асосида номланиши: Оқтоғ (тоғ), Оқайри (баландлик); Қораайри (баландлик), Қорабел (тоғ тизмаси); Олабел (баландлик), Олатоғ ва б.

2. Объектнинг шаклига хос белги хусусиятлар асосида номланиши: Бешиктепа, Дастортош (баландлик), Думалоқхорра (баландлик), Дўғиртош (баландлик), Зингирак (чўққи), Киндиктепа (тепа) ва б.

3. Объектнинг ҳажм-ўлчов белгиси асосида номланиши: Каттадапсан (тепа), Каттазов (дара), Кичикдапсан (тепа), Кичикховар (яйлов), Тангсор (адир), Торқапчиғай (дара), Ҳамикалон (баландлик), Хурсантоғ ва б.

4. Объектнинг жойлашган ўрнига хос белгилар асосида номланиши: Бошаланг (дашт), Бошқоп (тоғ), Боғибаланд (баландлик), Бўлакқир (қир), Лабжар (жой), Зармас (Яб. шарқидаги тоғ) ва б.

5. Объектнинг даврийликка хос белгилар асосида номланиши: Қаритепа (тепа), Қариқиз (баландлик), Қарилалми (адир), Қариқишлов (яйлов) ва б.

6. Объектнинг сон-миқдор белгилари асосида номланиши: 1) сонлар асосида: Бировузли (дара), Бешбўла (адир), Тўртгул (тепа), Мингчукур (яйлов), Саксондара (дашт), Қирққиз (тепалик), Чилдухтарон (тоғ); 2) миқдор билдирувчи сўзлар асосида: Етимоқ (баландлик), Етимтахта (тоғ), Эгизактува (тепа), Қўшқалок (адир), Галатепа (тепа) ва б.

7. Объектнинг таркибий тузилишига хос белгилар асосида номланиши: 1) тупроқ таркибида бирон маъданнинг борлигини кўрсатиш асосида: Аҳалли (адир), Чўянли (адир), Чўяндара (дара), Мумлайхона (қоя), Тузлоқдара (дара), Сариктузтоғи (тоғ) ва б.; 2) объектнинг таркибини характерлайдиган белгилар асосида: Зангтепа (тепа), Сангқалок (адир), Сангбирон (баландлик).

Маҳмуд Кошғарий луғатида *бақирлиг тағ* – мис маъданли, мисга эга тоғ маъносидаги сўз бирикмаси келтирилган⁵³.

8. Объектнинг бирон мақсадга мўлжалланганлиги асосида номланиши: 1) бирон маросимни ўтказишга мўлжалланганлигига ишора: Пойгадашт (дашт), Сайилтепа (тепа), Наврўзтепа (тепа), Тўйтепа (тепа) ва б.; 2) теварак-атрофни кузатишга мўлжалланганлигига ишора: Посбонттепа (тепа), Қарағичтепа (тепа), Қаровултепа (тепа).

⁵³ Кошғарий М. Девону луғатит турк . – Тошкент: Фан, Т. I, 1960. – Б. 456.

9. Объектнинг турли белги-хусусиятлари асосида номланиши:

1) ҳолат белгиси асосида: берк: Бекдара – аслида Беркдара (дара); кўр: Кўрқапчиғай (дара). Кўрдара (дара); 2) характер-хусусият белгиси асосида: ёмон: Ёмонтош (дара), Бузуқтапа (тепа), Бузуқдара (дара) ва б.

10. Фитонимлар асосида юзага келган оронимлар (Фитооронимлар): Абрикли (адир), Андизли (дара), Арчамайдон (тоғ), Арчахут (дара), Бурғонли (адир), Дарғоз (дара), Салангли (дашт), Қамоқли (адир), Пиёзлитепа (тепа), Жулғунзор (адир) ва б.

Маҳмуд Кошғарий луғатида *басарлиғ тағ* – “саримсоқли тоғ”⁵⁴, *сағанлуғ тағ* – “ёввойи пиёз ўсадиган тоғ”⁵⁵ каби бирикмалар келтирилган бўлиб, улар кейинчалик орографик объектларнинг номланишига асос бўлган.

11. Номланиш асоси зоонимлардан иборат оронимлар (Зоооронимлар): Айиқучди (дара), Асппар (дара), Биясиғмас (дара), Бўридахна (дара), Бўрижар (жар), Қоплондара (дара) ва б.

Маҳмуд Кошғарий луғатида *азизлиғ тағ* – “айиқлик тоғ, айиғи кўп бўлган тоғ”, *уларлиғ тағ* – “каклиги кўп бўлган тоғ”⁵⁶, *суғурлуғ тағ* – “суғур хайвони кўп бўлган тоғ”⁵⁷ каби бирикмаларни учратиш мумкин.

12. Гидронимлар асосида юзага келган оронимлар (Гидрооронимлар): Чашмакўл (тепа), Чашмикенагас (адир), Чашмиқипчок (адир), Чуранкудук (яйлов), Чуччиккудук (яйлов), Қамчинбулоқ (адир) ва б.

Орографик объектларнинг номланишида юқорида келтирилган омиллардан ташқари, турли тарихий-ижтимоий воқеа-ҳодисалар, аҳолининг иқтисодий-сиёсий муносабатлари, маданий ҳаёт тарзи ва анъаналари ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўтказилган таҳлиллар натижасида Жанубий Ўзбекистон оронимларининг бу турлари ўзининг қуйидаги хусусиятлари асосида номланиши аниқланди:

1. Этнонимлар асосида юзага келган оронимлар (Этнооронимлар):

1) миллатига нисбат этиш асосида яратилган оронимлар: Авғонтахта (До., баландлик), Эронитепа (тепа), Дараитурко (дара), Камаритурк (камар), Уйқур (асли уйғур, дара), Арабтепа (Бс.) ва б.; 2) қабиланомига нисбат этиш асосида яратилган оронимлар: Можарон (баландлик), Манғити (тепа), Мағит (яйлов) ва б.; 3) уруғномига нисбат этиш асосида яратилган оронимлар: Батошоқ (баландлик), Баҳринтепа (тепа), Даражови (дара), Дарихитой (дара) ва б.; 4) генетик жиҳатдан ҳиндларга мансуб қавмларнинг маҳаллий номлари асосида яратилган оронимлар: Лўлиўтириш (Чр., баландлик), Лўликамар (Чр., камар), Лўлитепа (тепа), Лўлимурда (адир), Жугитепа (тепа) ва б.

2. Киши исмлари асосида юзага келган оронимлар (Антропооронимлар): Авазгардон (тепа), Одил дўғма (яйлов), Қорабойтепа (тепа), Пирматбобо (тепа), Ойтуғди (тепа), Норумбой (тепа), Болтоши кири (қир), Мирзабуванинг тепаси ва б.

⁵⁴ Кошғарий М. Девону луғатит турк . – Тошкент: Фан.Т. I, 1960. – Б. 455.

⁵⁵ Кошғарий М. Кўрсатилган асар. Т. I, 1960. – Б. 459.

⁵⁶ Кошғарий М. Кўрсатилган асар.Т. I, 1960, – Б. 164.

⁵⁷ Кошғарий М. Кўрсатилган асар. Т. I, 1960, – Б. 456.

3. Диний тушунча ва тасаввурлар асосида юзага келган оронимлар (Агиооронимлар): 1) хўжа компонентида ташкил топган оронимлар: Хўжаалмати (Шс., баландлик), Хўжабаркўх (Ос., тоғ), Хўжақиз (Шс., адир), Хўжақўчқор (Бс., баландлик), Хўжаҳисор (Бс., тепа), Хўжақизил (Шс., қоя); 2) ота компонентида ташкил топган оронимлар: Бошқопота (Шс., тепа), Бобосултонота (Шс., тепа), Қайрағочота (Шс., тепа), Қизмозорота (Шс., тепа); 3) ҳазрат компонентида ташкил топган оронимлар: Ҳазрати Султон (Шс., тоғ), Ҳазрати Башир (Кт., тоғ).

Шунингдек, оронимлар турли диний тасаввурлар ва тушунчалар билан боғлиқ сўзлар воситасида ҳам ясалган: Ажиназов (Қм., баландлик), Боботоғ (Сурхондарё вил., тоғ), Шайтонқоқ (Кт., адир). Дулдулнинг изи (Яб., қир).

Айрим оронимларнинг таркибида ҳозирда ўзбек тилида қўлланмайдиган диний тушунчалар билан боғлиқ архаик элементларни ҳам учратиш мумкин. Диссертацияда шундай хусусиятга эга бўлган Оқчава (Чр., қ-қ.) ороними таҳлилига алоҳида тўхталилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек тили оронимларининг тарихий-этимологик таҳлили”** деб номланувчи тўртинчи бобида оронимларнинг юзага келишида халқ шеваларининг иштироки, оронимларнинг этнолингвистик таҳлили, шунингдек, минтақа оронимиясида характерли бўлган баъзи оронимларнинг этимологик таҳлили ёритилган.

Географик номларни тушуниш учун адабий тилга кирмаган диалектал сўзларни ҳам билиш лозим. Маҳаллий жиҳатдан чегараланган бирон-бир ҳудуднинг лексикаси нафақат мазкур ҳудуд миқёсида, балки айрим сўзларни бутунлай истеъмолдан чиқариб юборган ундан узоқ бўлган жойларда ҳам топонимлар маъносини очиш имкониятини беради⁵⁸.

Оронимлар маълум бир ҳудуд миқёсида яратилади, шунинг учун улар яратилишига кўра диалектал характерда бўлади.

Диссертацияда оронимлар ясалишида иштирок этадиган орографик терминларни қўлланиш хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Маълум шевага хос орографик терминлардан тузилган оронимлар.

2. Умумхалқ тилида қўлланадиган орографик терминларнинг шевалардаги маъноси асосида тузилган оронимлар.

Жанубий Ўзбекистон ҳудуди ўзининг этник таркибига кўра қарлуқ ва қипчоқ диалектли, кўп шевали, оралиқ шевали, икки тилли (ўзбек-тожик, тожик-ўзбек) хусусиятларни намоён қилади. Бу хусусиятлар ҳудуд аҳолисининг тилида, шу тил доирасида амалга ошадиган барча муносабатларида, жумладан, унинг оронимиясида акс этган. Диссертацияда маҳаллий характерга эга бўлган човра//чобра, қалок, зов, ховар, қовок, тувак//тубак, шоти сўзларининг оронимлар яшаш имкониятлари ва хусусиятларига алоҳида тўхталилган.

Оронимлар ҳам маълум бир тилга тегишли луғавий бирликлардан ташкил топган бўлади. Уларнинг бу хусусиятлари диссертациянинг **“Оронимларнинг этнолингвистик таҳлили”** мавзуси остида тадқиқ

⁵⁸ Мурзаев Э. М. География в названиях. – Москва: Наука, 1982. – С. 118.

этилган. Агар ороним таркибидаги сўзлар бошқа тилларга тегишли бўлса, улар ўзга тиллардан икки хил сатҳда қабул қилинган бўлиши мумкин:

1. Апеллятив лексика сатҳида.
2. Ономастик лексика сатҳида.

Агар сўзлар икки ҳамкор тилнинг ўзаро муносабати натижасида ўзлашиб, шу тилнинг лексик фондидан муносиб ўрин эгаллаган ва фаол қўлланиш даражасига эга бўлса, бундай сўзлар апеллятив лексик сатҳида қабул қилинган сўзлар ҳисобланади. Улардан ўзбек тили қолипида ўзбекча номлар ясалган.

Диссертацияда оронимларни вужудга келтирган луғавий бирликлар қайси тил лексикаси ва грамматик қурилишига тегишлигига кўра икки гуруҳга бўлиб тадқиқ этилди:

1. Туркий тилларга тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар.
2. Ўзга тилларга тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар.

Диссертацияда туркий тилларга тегишли луғавий бирликлардан шакланган оронимларни таркибий тузилиши ва қандай луғавий бирликлардан шакланганлигига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлиб тадқиқ этилди:

1. Фақат индикатордан иборат оронимлар.
2. Бир компоненти белги билдирувчи сўзлардан, бошқа компоненти орографик индикаторлардан иборат оронимлар.
3. Барча компонентлари орографик индикаторлардан иборат оронимлар.

Орографик индикатор ҳеч қандай сўз ясовчи аффикс қабул қилмасдан тўғридан-тўғри оронимга айланади, уларнинг маъно ҳамда вазифаси ўзгаради. Буларга Қовоқ, Ширам, Дашт, Қўриқ, Тарпи, Аланг, Ўланг, Қироқ, Қақир, Ғурум, Ғурут каби оронимларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бир компоненти белги билдирувчи сўзлардан, бошқа компоненти орографик индикаторлардан иборат оронимларда индикаторлар турли аниқловчилар билан бирикиб, объектнинг номи бўлиб келади. Ясалишнинг бу усули Жанубий Ўзбекистон оронимларида энг фаол ҳисобланади.

Барча компонентлари орографик индикаторлардан иборат оронимлар: қиз: Қизтош, Қизтоғ; қум: Қумота, Қумқалъа; қашқа: Қашқақум; ғур: Ғурдара; ғурим: Ғуримдара; қаранг: Қарангқўл; қалок: Қалоклидара; шер: Шергаза; қулла: Қуллатепа; тош: Тоштепа; мўла: Мўлаширам; чох: Чоҳақдара; тумшук: Тумшуктоғ; талл: Таллактоғ; човли: Човлиқалок ва б.

Диссертацияда Жанубий Ўзбекистон оронимияси учун характерли бўлган қиз//қуз, син, сингир, асқар, айғир компонентли оронимлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Диссертациянинг “Эроний тилларга тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” бўлимида бу туркумга кирувчи оронимлар “Сўғд тилига тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” ва “Тожик тилига тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” каби икки гуруҳга бўлиб тадқиқ этилган.

Маълумки, ўзбек тили ўзининг лексик таркибига кўра турли луғавий қатламлардан ташкил топган. Улар орасида нисбатан қадимийси эроний тилларга, аниқроқ қилиб айтганда, сўғд ва хоразм тилларига тегишли қатлам

ҳисобланади. Бу масала З. Дўсимов, Г. Отажонава, О. Бегимов, П.Б. Лурьеларнинг⁵⁹ монографик тадқиқотларида ўз исботини топган.

Диссертацияда Жанубий Ўзбекистон оронимлари учун характерли, келиб чиқишига кўра сўзд тилига дахлдор бўлган -ғар//хар, -мас//-мос, -шир//-шер//-жир// -жур компонентли оронимлар тадқиқига алоҳида тўхталилди.

Ишда “Тожиқ тилига тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” тадқиқига ҳам кенг тўхталилган. Улар таркибий тузилишига кўра “Содда сўз шаклига эга бўлган оронимлар”, “Қўшма сўз шаклида бўлган оронимлар”, “Изофали бирикма шаклида бўлган оронимлар” каби гуруҳларга бўлиб тадқиқ этилган.

Жанубий Ўзбекистон оронимиясидаги тожикча ва тожик тили унсурлари мавжуд бўлган оронимлар генетик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Компонентлари тожикча сўз ва аффикслардан ташкил топган оронимлар: Арабон, Арпақори, Асппар, Баланди, Баркўҳ, Боғибаланд, Газа, Газак, Говдара, Говдахна, Говурган, Гўрдара, Гўримор, Гурмор, Гўровон ва б.

Бу гуруҳга кирувчи оронимларнинг таҳлили уларнинг тузилишига кўра қуйидаги туркумларга ажратиш мумкинлигини кўрсатади:

1. Содда сўз шаклига эга бўлган оронимлар. Улар ҳам ўз навбатида туб ва аффикслар ёрдамида ясалган оронимлар каби турларга бўлинади. Туб сўз шаклида бўлган оронимлар: Газа, Дашт, Занг, Камар, Кариз.

Тожикча аффикслардан шаклланган оронимларни ҳам ясашиш хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратилди: а) фақат форс-тожик тилида қўлланадиган аффикслар ёрдамида ясалган оронимлар: -и: Араби (дашт), Баланди, Манғити; -он: Арабон (дашт), Карсагон (баландлик); -ак: Зингирак (чўққи), Кўҳак (Кўнғиртоғнинг қадимги номи); б) генезиси эроний тилларга тегишли бўлиб, форс-тожик ва ўзбек тилида қўлланадиган аффикслар ёрдамида ясалган оронимлар: -зор: Регзор (жой), Жўробзор (адир); -истон: Боғистон (жой), Кўҳистон (тоғли жойлар); -хона: Рубоҳхона (адир).

2. Қўшма сўз шаклида бўлган оронимлар: Асппар (дара), Баркўҳ (тоғ), Говдара, Говдахна (дара), Гўрдара, Дарғамурда (адир), Кўрдахна (дара), Кўрчашма (дара), Лўлимурда (адир) ва б.

3. Изофали бирикма шаклида бўлган оронимлар. Бу гуруҳга кирувчи оронимлар ҳам икки гуруҳга бўлиб таҳлил этилди: а) изофа кўрсаткичини сақлаб қолган оронимлар: Боғибаланд, Дарайитурко, Кўҳисафед, Кўҳисиёҳ ва б.; б) изофа кўрсаткичини йўқотиб қўшма сўз шаклига келиб қолган оронимлар: Гўрмор (Гўри мор), Даначот (Дахнайи чот), Даражови (Дарайи жови), Дарайтут (Дарайи тут), Дарғоз (Дарайи ғоз) ва б.

Компонентлари тожикча бўлган оронимлар орасидан яна бир гуруҳни ажратиш мумкин. Бу содда гап шаклида бўлган оронимлардир: Асппар, Хардуз, Харкуш ва б.

⁵⁹ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Отажонава А. Хоразм этнотопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – 128 б.; Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашган қатлами. Фил. Фан. номз. дисс. ... автореферати. – Тошкент, 1999. – 27 б.; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – СПб., 2004. – 22 с.

2. Бир компоненти тожикча, бошқа компоненти ўзбекча сўз ва аффикслардан ташкил топган оронимлар: Арпапоя, Арчамайдон, Арпали, Бешпанжа, Бештахта, Бойиргаза, Бўридахна, Дастортош ва б.

3. Бир компоненти тожикча, бошқа компоненти араб тили унсурларидан ташкил топган оронимлар: Авазгардон, Ажиназов, Етимтахта, Талликурон, Таллипахса, Таллисор, Талҳо, Тангсор, Хўжабаркўх (тоғ) ва б.

4. Компонентлари тожик, араб ва ўзбек тили унсурларидан ташкил топган гибрид характердаги оронимлар нисбатан кам учрайди: Таллисортепа, Намозгохтепа.

Диссертацияда кўмир//кўмур, кўх, сар компонентли оронимлар тадқиқига алоҳида тўхталиб, этимологияси ёритилган.

Диссертациянинг “Араб тилига тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” бўлимида ўзбек оронимиясида араб тилига тегишли унсурлардан ташкил топган жой номларини вужудга келиш омилларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб тадқиқ этилди:

1. Араб тили грамматик қонуниятлари асосида яратилган оронимлар.

2. Араб тилидан ўзлаштирилган морфемалар асосида ўзбек ва тожик тиллари грамматик қонуниятлари асосида яратилган оронимлар.

Араб тили грамматик қонуниятлари асосида яратилган оронимлар деярли учрамайди. Қамаши туманининг шарқида Ағба номли довон мавжуд. Бу ном арабча *ақба*, *ақаб* “тоғдан ошиб ўтиш йўли, довон” маъносидаги сўздан келиб чиққан. Лекин бу номни ҳам араб тилидан ўзлашган ном дея олмаймиз, чунки у *ақба* терминини ўзлаштириб олган маҳаллий аҳоли томонидан яратилган бўлиши мумкин.

Араб тилидан ўзлашган луғавий бирликлардан ўзбек ва тожик тили грамматик қоидалари асосида яратилган оронимларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳисор – “девор, қўра, қўрғон, истехком, қалъа, сарой”: Ҳисор (тоғ тизмаси), Ҳисорак (қишлоқ), Ҳисорак (қўриқхона), Ҳисорак (сув омбор); амлок (мулк сўзининг кўплик шакли) - “бирор кишига тегишли жой, ер мулки”: Амлок (Шс., жой); тал//талл арабча “тепа, баландлик”: Таллактоғ (Шо.,тоғ), Таллашқон (Шо., тепа, қишлоқ номига ҳам ўтган), Талликурон (Қр., тепа ва қишлоқ) ва б.

Диссертацияда “Мўғул тилига тегишли луғавий бирликлар асос бўлган оронимлар” қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди:

1. Асос қисми ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан сўзлардан ясалган оронимлар: Кўба (Қм., қ-қ., дастлаб ороним сифатида вужудга келган), Каттакўба (Қм., қ-қ., дастлаб ороним бўлган); Дурсун (Чр., қ-қ.); Қўнақай (Яб., баландлик, қ-қ.); Бўрлик (Чр., баландлик), Бўрижар (Шс., жар) ва б.

2. Лексема асоси ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган, аммо мўғул ва бошқа туркий тилларда мавжуд бўлган сўзлардан ясалган оронимлар: Чўлибайир (Ғз., дашт), Қорабайир (Кс., Шс., қ-қ., дастлаб ороним бўлган).

Диссертацияда Жанубий Ўзбекистон оронимлари учун характерли бўлган довон, байир//бойир, нуркай, оба//ува компонентли оронимлар, шунингдек, тарағай, сайхон сўзлари қатнашган топонимлар тадқиқига алоҳида тўхталилган.

Диссертациянинг “�збек тили оронимларининг ясалиши ва таркибий тузилиши” деб номланувчи бешинчи бобида ўзбек тилшунослигида топонимлар ясалиш хусусиятларининг ўрганилиши, ўзбек тили оронимларининг ҳосил бўлиши ва трансонимизацияси, ўзбек тили оронимларининг таркибий тузилиши каби масалалар тадқиқ этилган.

Бобнинг “Ўзбек тилшунослигида топонимлар ясалиш хусусиятларининг ўрганилиши” бўлимида бир қанча тадқиқотчи олимларнинг⁶⁰ ишларига муносабат билдирилган.

Бобнинг “Ўзбек тили оронимларининг ҳосил бўлиши ва трансонимизацияси” бўлимида оронимлар ҳосил бўлишида ономастик конверция ва трансонимизация ҳодисаларининг намоён бўлиши ва тутган ўрни тадқиқ этилган. Маълумки, топонимияда жой номларининг конверция усулида ясалишини биринчи бўлиб А.В. Суперанская илмий амалиётга киритган⁶¹. Ономастик конверсия тилдаги мавжуд лексемаларнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз ёки сезиларли ўзгаришларсиз атоқли от вазифасига кўчиш ҳодисасидир⁶².

Маълумки, атоқли отдан атоқли от ҳосил бўлиш ҳодисаси ономастик терминологияга оид луғатларда конверсия ва трансонимизация дейилади⁶³. Диссертацияда бу масалани тадқиқ этишда Ў.Орипов, А.С. Аслонов, Н.М. Улуков, Т.Нафасов⁶⁴ларнинг ишларига таянилди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, конверсия – бу апеллятивларнинг атоқли отларга айланиши, яъни онимизация ҳодисаси ҳисобланса, трансонимизация эса бир турдаги атоқли отларнинг бошқа турдаги атоқли отларга ўтиш ҳодисаси ҳисобланади.

Жанубий Ўзбекистоннинг оронимик конверсия усулида ҳосил бўлган оронимлари икки гуруҳга ажратиб тадқиқ этилди:

1. Туб асосдан ҳосил бўлган оронимлар: а) орографик терминлар оронимлашади: Ағба (довон), Камар (тоғли худудларда), Газа; б) этнонимлар оронимлашади: Бармоқ (баландлик), Лочин (чўққи); в) гидрографик терминлар оронимлашади: Кариз (адир), Орна (жар).

2. Ясама сўзлардан ҳосил бўлган оронимлар: а) содда таркибли ясама сўзлардан ҳосил бўлган оронимлар: Абрикли (адир), Андизли (дара), Арнали

⁶⁰ Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Бўриев С. Н. Ургут тумани микротопонимияларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фанлари номзод. ... дис. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 13; Холмуминов Х. Микротопонимия Бойсунского района и его окрестностей: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 21 с.; Аслонов А. С. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили: Филол. фанлари номзод. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 23 б.; Улуков Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б. 38; Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи: Филол. фан. фалс. докт... дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – 51.

⁶¹ Суперанская А.В. Структура имени собственного (фонология и морфология). – Москва, 1969. – 206 с.

⁶² Суперанская А.В. Кўрсатилган асар. – С.93.

⁶³ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С. 152-153.

⁶⁴ Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – Б 32; Орипов Ў.А. Нурота тумани макро- ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили: Филол. фан. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.15; Аслонов А. С. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили: Филол. фан. ... диссер. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 20; Улуков Н.М. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – Б. 39.

(адир) ва б.; б) қўшма таркибли сўзлардан ҳосил бўлган оронимлар: Авғонтахта (баландлик), Ажиназов (баландлик), Айғиртепа ва б.; в) изофали бирикмалардан ҳосил бўлган оронимлар: Боғибаланд, Гўримор, Гўриқалмоқ, Дарайитурко, Дарихитой, Даштикалта, Даштичинор, Даҳнидарғоз, Заҳакимарон, Камаритурк ва б.; г) предикатив бирикмалардан ҳосил бўлган оронимлар: Хонтушди (тепа), Лўлимурда (адир), Шутурмурда (дара), Хардузд (тоғ), Дарғамурда (адир).

Оронимик трансонимизацияда икки хил ҳодиса кузатилади:

1. Бир турдаги орографик объект номининг шу турдаги бошқа объект номига ўтиши. Бунда дара номи адир номига ўтади: Бешдара; тизма ёки қир номи дара номига ўтади: Бешқўл; тоғ ёки баландлик номи дашт номига ўтади: Бўйноқ; дара номи камар номига ўтади: Жувозтош; жар номи яйлов номига ўтади: Иймакжар; тоғ номи яйлов номига ўтади: Кўҳсиё; баландликда жойлашган жой номи бутун тоғ номига ўтади: Майданак ва б.

2. Орографик объект номининг бошқа турдаги объект номига ўтиши. Бунда оронимнинг гидронимга ва ойконимга ўтиши кузатилади:

1) оронимларнинг гидронимларга ўтиши: Айланажар (дарё ирмоғи), Ҳисорак (сув омбори) ва б.; 2) Оронимларнинг ойконимларга ўтиши: Алашўр (қ-қ), Бағиштепа (қ-қ), Бешпанжа (қ-қ), Бештахта (қ-қ, асли адир номи), Биясиғмас (қ-қ) ва б.

Бобнинг “Жанубий Ўзбекистон оронимларининг таркибий тузилиши” бўлими қуйидаги турларга ажратиб тадқиқ этилган: 1. Содда таркибли оронимлар. 2. Қўшма таркибли оронимлар. 3. Мураккаб таркибли оронимлар.

Таркибий тузилишига кўра биргина луғавий асосдан иборат бўлган орографик объектлар номлари **содда таркибли оронимларни** ташкил этади. Улар ҳам, ўз навбатида, таркибида ясовчи кўрсаткичларнинг бўлиш-бўлмаслигига кўра икки турга бўлинади: 1) туб сўзлардан иборат содда оронимлар; 2) ясовчи кўрсаткичларга эга бўлган содда оронимлар.

Туб оронимлар қуйидаги луғавий бирликлардан ташкил топган бўлади: а) орографик терминлардан иборат бўлади: Афба (Қм., доvon), Камар (тоғли ҳудудларда), Газа (Бс., жой) ва б.; б) этнонимлардан иборат бўлади: Бармоқ (Қм., яйлов, баландлик), Лочин (Шс., чўққи) ва б.; в) гидрографик терминлардан иборат бўлади: Кариз (Кт., адир), Орна (Ғз., жар).

Содда ясама оронимларнинг ясалишида қуйидаги аффикслар иштирок этган: а) -ли: Абрикли (Чр., адир), Андизли (Чр., Қм., Бс., дара); б) -зор: Пистазор (Шс., жой), Бодомзор (Шс., жой); в) -ча: Қизилча (баландлик), Шўрча (дашт), Кўкча (тоғ); г) -ак: Кўҳак (тоғ), Сурҳак (баландлик); д) -ма аффиксли оронимлар: Қазма (дашт).

Диссертацияда -ли, -ча, -ак қўшимчаларининг оронимлар яшаш хусусиятлари кенг таҳлил этилди.

Таркибий тузилишига кўра бирдан ортиқ луғавий бирликлардан ташкил топган оронимлар **қўшма таркибли оронимлар** сифатида тадқиқ этилди. Қўшма таркибли оронимлар морфологик асоси ва тузилиш моделига кўра қуйидаги турларга ажратилди:

1. От+от типи. Бу модел асосида таркиб топган оронимлар биринчи компонентининг қандай сўзлардан иборат бўлишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) антропоним+от типи: Авазгардон (тепа), Қорабойтепа (тепа) ва б.;
- 2) этноним + от типи: Авфонтахта, Батошоқ (баландлик) ва б.;
- 3) фитоним + ОИ типи: Арчамайдон (тоғ), Арчахут (дара) ва б.;
- 4) зооним+ ОИ типи: Бўридахна (дара), Бўрижар (жар) ва б.;
- 5) орографик индикатор+ОИ типи: Талтепа, Шергаза ва б.;
- 6) апеллятив+ОИ типи: Боботоғ, Дастортош ва б.

2. От + от + ОИ типи: Отяйлоғтоғи, Қизмозорота.

3. От + сифат типи: Бўйноқ (тоғ), Бўйниқора (баландлик).

4. От + сифат + ОИ типи: Хўжақизилқоя.

5. Сифат+от типи. Бу моделда ясалган оронимлар сифатнинг турли маъно гуруҳларига тегишли бўлади: а) ҳажм ва ўлчовни ифодаловчи сифатлар+ОИ: Бойдўнг (тепа), Давтош (баландлик), Каттазов (дара); б) шаклни ифодаловчи сифатлар+ОИ: Думолоқхорра (баландлик), Дўғиртош (баландлик); в) ранг-тусни ифодаловчи сифатлар+ОИ: Олабел (баландлик), Олатоғ, Оқбош (тоғ), Оқдара, Оқжар; г) характер-хусусиятни ифодаловчи сифатлар+ОИ: Ёмонтош (дара), Кўрдара (дара, адир), Очгаза (баландлик); д) жойлашган ўрнини билдирувчи сифатлар+ОИ: Бўлакқир, Терсдара, Юқоритурам (баландлик).

6. Сифат+сифат типи: Етимоқ (баландлик), Қорачукур (яйлов), Қўшақизил (чўққи) ва б.

Ўтказилган таҳлиллар бундай моделда қўшма номларнинг ясалиши фақат оронимларга хос эканлигини кўрсатди.

7. Сифат+от+ОИ типи: Сариктузтоғи. Бу типдаги номлар, гарчи учта морфемадан ташкил топган бўлса-да, улар дастлаб сариктуз, октепа, окпарра шаклидаги қўшма сўз ясалишига эга бўлган. Кейинчалик улар оронимга ўтиш босқичида орографик индикаторларни орттирган.

8. Сон+от типи. Масалан: Бешбўла (адир), Бешдара (дара), Бештўла (адир), Бешқиз (тепа), Бешқўл (дара) ва б.

9. Нумератив+от типи: Экзактува (тепа), Эгизтепа, Қўшқалок (адир), Қўшматепа, Якқарча (баландлик).

Жанубий Ўзбекистон **мураккаб таркибли оронимлари** тузилишига кўра қуйидаги типларга ажратилди:

1. Бирикма шаклидаги оронимлар.

2. Гап шаклидаги оронимлар:

Тузилишига кўра сўз бирикмаси шаклида бўлган оронимлар семантик ва синтактик табиатига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинди: а) мослашув йўл билан (қаратқич+қаралмиш) бирикиб, қаратқиш келишиги қўшимчасини сақлаб қолган оронимлар: Мирзабобонинг тепаси (Шс), Тугалоқсоқолнинг сахани (Шс.), Болтошши қири (Шс.), Оқпарранинг газаси (Шс.) ва б.; б) мослашувли бирикма шаклида бўлиб, белгисиз қўлланувчи оронимлар: Оқарбулоқ адири (Чр.), Сангалдак тоғи (До.), Сарчашма адири ва б.

Жанубий Ўзбекистон оронимларининг ясалиши учун характерли бўлган от+феъл модели асосида ясалган гап шаклидаги оронимлар қуйидаги

турларга ажратилди: а) от+феълнинг аниқ ўтган замон шакли: Туяқисилди, Қудуққасиғди, Амиркўнди; б) от+ҳозирги келаси замон сифатдош шакли: Гўрбузар (Шо.,адир), Сувтушар (Шс., тоғ), Туятортар (Мш.,дашт), Бўриошар(Шс., жар), Отгўсар, Отчопар(Шс.,дашт); в) от+бўлишсизлик шаклидаги сифатдош: Биясиғмас (До., дара), Келинтоймас (Шс., баландлик), Одамбормас(Шс. Баландлик), Ойтегмас (Шс.,жар), Сувчиқмас (Шс., дашт).

ХУЛОСА

Жанубий Ўзбекистон оронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи қуйидаги умумий хулосалар қилиш имконини берди:

1. Ўзбек тили топонимик системасида оронимлар унинг таркибий қисми сифатида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Оронимлар топонимларнинг бошқа турларидан ўзининг қадимийлиги, табиийлиги, турғунлиги ва яшовчанлиги ҳамда салмоқли микдорга эгаллиги билан характерланади.

2. Жанубий Ўзбекистон оронимияси Ўзбекистон оронимиясининг таркибий қисмидир. Ўрганилган ҳудуд оронимияси ўзининг шаклланиши, тараққиёт манбалари, топонимиядаги тиллар муносабати ва таъсири, оронимлар асосидаги луғавий бирликларнинг фонетик ва лексик таркиби, грамматик тузилиши ва ясалиши жиҳатидан Ўзбекистон оронимияси системасининг барча хусусиятларини ўзида акс эттиради.

3. Оронимларнинг луғавий-маъновий таҳлили ўз ижодкорларининг қадимги ўтмиши, ҳаёт тарзи, урф-одатлари миллий анъаналарини ўзида акс эттирувчи муҳим манба эканлигини кўрсатади. Оронимлар ўзбек халқининг тили, тарихи, этник тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг табиий-географик хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи муҳим лисоний манба ҳисобланади.

4. Ўзбек тили оронимларининг лисоний шаклланишида ОИлар муҳим ўрин тутди. ОИлар турли мустақил сўз туркумларига хос сўзларга қўшилиб, уларни орографик объектларнинг атоқли отини ифодалашга хослайди, қўшма ва мураккаб таркибли оронимлар таркибида бош сўз сифатида қатнашиб, орографик объект турини кўрсатиб келади.

5. Амалга оширилган тадқиқ усуллари қиёсий-тарихий таҳлил оронимлар тузилишини аниқлашнинг асосий ва энг тўғри йўли эканлигини яна бир бор исботлади. Чунки оронимлар товуш ва грамматик тузилиши жиҳатидан мураккаб ўзгаришга учраган, кўпчилик қадимий оронимлар таркибида қадимги тилларга хос архаик элементлар сақланиб қолган, улар ёзма ва оғзаки нутқ орқали бизгача етиб келган. Улар ўлкада яшаган турли миллат ва элат вакиллари томонидан яратилган бўлиб, ўз ижодкорлари бўлган халқлар ҳаётидаги турли сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар натижасида шакл ва мазмун жиҳатидан турли таъсирларга учраган.

6. Жанубий Ўзбекистон оронимияси турли система ва оилага мансуб тилларнинг лексик ва сўз ясалишидаги муносабатини ўзида акс эттирган. Уларнинг таркибида туркий ва нотуркий тилларга оид сўзлар ва ясовчи элементлар сақланган. Оронимларнинг морфем ва сўз ясалиши структураси

таҳлили улар ўз тилига хос ва ўзга тилларга хос (гибрид) номлар эканлигини кўрсатди.

7. Оронимларнинг этимологик тадқиқи номнинг этимонини, луғавий асосини аниқлаш, аталиш мотивлари ва тамойилларини тўғри белгилаш имконини беради. Шунингдек, таҳлилнинг бу усули ўзбек тили тарихини, унинг шевалари ва лаҳжаларининг ном ясалишидаги иштирок этиш даражасини, хусусиятларини ҳамда тарихий такомилни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

8. Оронимларнинг ҳосил бўлишида тилнинг апеллятив сатҳига тегишли луғавий бирликлар муҳим аҳамият касб этади. Апеллятивлардан оронимлар ҳосил бўлишида оронимик конверсия асосий ўрин тутаяди.

9. Ўзбек тилининг ономастик сатҳида муҳим ўрин тутадиган трансонимизация – бир объект номининг бошқа бир турдаги объект номига ўтиши ҳодисаси оронимияга ҳам хос. Жумладан, бу ҳодиса бир томондан, бир турдаги орографик объектнинг номини шу турдаги бошқа объект номига ўтишида намоён бўлса, иккинчи томондан, орографик объект номининг топонимларнинг бошқа тури номларига ўтишида намоён бўлади ёки аксинча.

10. Ўзбек тили оронимлари содда, кўшма ва мураккаб таркибли тузилиш хусусиятига эга. Шу билан бир қаторда, форс-тожик тилига тегишли изофа бирикмали оронимлар ҳам учрайди. Ўтказилган таҳлиллар ўзбек тили оронимиясида кўшма таркибли оронимлар салмоқли ўрин тутишини кўрсатди.

11. Оронимлар орасида ўзбек тили тараққиётининг турли даврларига тегишли элементларни ўзида акс эттирувчи туркий палеоронимлар муҳим ўрин эгаллайди. Этимологик таҳлил йўли билан уларнинг таркибида шу кунга қадар сақланиб қолган маълум бир миқдордаги ўзбек тилининг фонетик, лексик, лексик-семантик ва грамматик архаик элементлари аниқланди. Бу фактлар ўзбек тили тарихий фонетикаси, лексикаси ва грамматикасини ўрганишда қимматли манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Ан. – Ангор тумани

Бх. – Бандихон тумани

Бс. – Бойсун тумани

Дн. – Денов тумани

До. – Деҳқонобод тумани

Жқ. – Жарқўрғон тумани

Кб. – Касби тумани

Кс. – Косон тумани

Кт. – Китоб тумани

Мб. – Муборак тумани

Мк. – Миришкор тумани

Мр. – Музработ тумани

Нш. – Нишон тумани

Ос. – Олтинсой тумани

Со. – Сариосиё тумани

Тр. – Термиз тумани

Чр. – Чироқчи тумани

Шс. – Шаҳрисабз тумани

Шо. – Шеробод тумани

Шч. – Шўрчи тумани

Яб. – Яккабоғ тумани

Қм. – Қамаш тумани

Қр. – Қарши тумани

Қр.ш. – Қарши шаҳри

Қз. – Қизириқ тумани

Ққ. – Қумқўрғон тумани

Ғз. – Ғузор тумани

қ-қ. – қишлоқ

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕГИМОВ АДЫЛ ТУХТАМИШОВИЧ

**ИСТОРИКО-ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ОРОНИМОВ
ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА**

10.00.01 – Узбекский язык.

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.DSc/Fil 187.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Джаббаров Хужамурат
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Дадабаев Хамиддулла Арипович
доктор филологический наук, профессор

Хусанов Нишанбай Абдусаттарович
доктор филологических наук, профессор

Абдиев Муродкосим Болбекович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-й кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована за номером ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(Реестр протокола рассылки ____ от «__» _____ 2021 года).

М.К. Мухиддинов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

Х.А. Асланова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по филол.н. (PhD)

А.Э. Маматов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой лингвистике, в частности ономастике, как виде топонимии, оронимы изучаются также как лексическая единица, несущая важную историческую, национально - культурную, социальную информацию. В настоящее время растет потребность в изучении всех видов топонимических единиц, характерных для конкретной территории в целом, с точки зрения антропоцентрической, социолингвистической, семантической, номинационно - мотивационной, историко - этимологической. Актуально изучение топонимов в лингвистическом аспекте, анализ признаков наименований как лексических единиц, так и охват семантики ономастических единиц, изучение исторической, культурологической, методологической семантики.

В мировой лингвистике есть исследования по лингвистике, истории, географической топонимии, региональной лингвистике. На повестке дня стоит вопрос изучения таких единиц, как ойконимы, гидронимы, оронимы, агитопонимы и некронимы, которые являются компонентами топонимии на основе новых лингвистических парадигм. Историко-лингвистический анализ топонимов, в частности оронимов, особенно изучение семантических особенностей важен при освещении национальной, этнической, социально - политической, культурной истории народа, исторического развития и совершенствования языка, отражающей сущность номинативных, коммуникативных, аккумулятивных функций.

Хотя в узбекском языкознании проделана большая работа по изучению топонимии, оронимия всех регионов страны, в том числе Южного Узбекистана, исторически и лингвистически не изучена. «Мы должны изучить древнюю и богатую историю нашей страны, усилить исследования в этой области, полностью поддержать деятельность ученых-гуманитариев»⁶⁵. Сегодня перед узбекской топонимикой ставится задача изучения топонимии всех регионов на основе современных лингвистических достижений. Изучение семантических особенностей оронимов в сочетании с лингвистическими, историческими, географическими, этнологическими, социолингвистическими подходами является одной из таких задач.

Сбор и лингвистическое изучение оронимов имеют важное значение при изучении истории, географии, природы, орографии, этнического состава населения, этнографии, диалектологии региона, к которому они относятся.

Данная диссертационная работа в определенной степени послужит выполнению задач, поставленных в следующих нормативно-правовых документах: Указ Президента Республики Узбекистан УП №-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП № -5850 от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного», «Концепция развития узбекского языка и

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б 22.

совершенствования языковой политики на 2020-2030 годы », утвержденная в соответствии с УП №-6084 от 20 октября 2020 года, Указ Президента Республики Узбекистан №-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Обращения Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2018, 24 января 2020 года, в Олий Мажлис Республики Узбекистан⁶⁶.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование диссертации проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Социально-правовое, экономическое, культурное, духовное и образовательное развитие информированного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации⁶⁷. Научные исследования, направленные на изучение историко-лингвистических, лексико-семантических, грамматических и прагматических, парадигматических и синтагматических особенностей топонимов, являющихся частью ономастики, ведутся ведущими мировыми исследовательскими центрами и университетами, в том числе Институтом лингвистических исследований РАН, Институтом литературы и искусства Дагестанского научного центра, Уральским федеральным университетом; Университетом Аделаиды (Австралия); Калифорнийским университетом, Бостонским университетом (США); Университетом Бордо (Франция); Пекинским университетом (КНР); Языковым центром Оксфордского университета (Англия); Казахским национальным университетом (Казахстан); а также Ташкентским государственным университетом узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Самаркандским государственным университетом, Институтом узбекского языка, литературы и фольклора Академии Наук Узбекистана (Узбекистан).

Изучение ономастической лексики в мировой лингвистике, анализ важнейших процессов происходящих в них, регулирование и стандартизация ономастических единиц привели к ряду научных результатов, в том числе: описана семиологическая система языка и выделены ее структурные единицы, а также парадигматические и синтагматические отношения (University of Geneva, Швейцария; Московский государственный университет, Россия); описаны семантические отношения (Oxford University Language Centre, Англия; Sorbonne College de france, Франция); разработаны уровни и основы их назначения (Санкт-Петербургский государственный университет, Московский институт востоковедения, РФ; University of Toronto, Канада); иерархический подход применен к лексическим единицам (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of Colifornia, США); описаны парадигматические и синтагматические связи

⁶⁶ www. uza.uz

⁶⁷ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи cheloveknauka.com, dslib.net, reseachgate.net, bloomsbury.com, aims.fao.org, book.sumy.ua, www.utexas.edu, www.u-bordeaux.com, english.pku.edu.cn, www.lang.ox.ac.uk, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

фонематических единиц (University of Leipzig, Германия; Peking University, КНР).

В мировой лингвистике проводится ряд исследований по изучению лингвистических особенностей ономастических лексических единиц, включая следующие приоритетные направления: определение лексических слоев, особенностей, связанных с образованием наименований на основе источников формирования и развития ономастической лексики; выявить важность ономастической лексики в процессе применения; обосновать функционально-семантическое развитие ономастической лексики в лингвистической системе; при системном анализе ономастической лексики описание их на основе парадигматических и синтагматических отношений; раскрыть смысловые, функциональные и методологические особенности ономастической лексики, в частности, ойкографические, гидрографические и орографические понятия в узбекском языке, послужившие материальной основой для создания, формирования и развития топонимов.

Степень изученности проблемы. В настоящее время нормативно-правовая база узбекской топонимии разработана и систематизирована на основе соответствующих документов⁶⁸. При исследовании узбекской топонимики на научной основе были велики услуги таких ученых, как Х. Хасанов, С. Караев З. Дусимов Т. Нафасов С. Губаева Б. Уринбаев, Ш. Кадырова Л. Каримова, Е. Худжамбердыев, Т. Рахматов Ю. Латипов Н. Ахунов Т. Эназаров Н. Улугов⁶⁹.

Они создали с помощью своих исследований научно-теоретическую базу для изучения топонимики узбекского языка, охватывающую различные аспекты топонимии, заложили основы для развития направления топонимики, как неотъемлемой части ономастики узбекского языка и внесли важный вклад в его развитие. В данных исследованиях изучались названия географических объектов на узбекском языке, мотивы и принципы

⁶⁸ 1996 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида”ги 203-сонли қарор; 1996 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонун; 2004 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида”ги 383-сонли қарор; Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни / Халқ сўзи, 2011, 13 октябрь, № 198. – Б.1.

⁶⁹ Қаранг. Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. –Тошкент: Фан, 1965. – 83 б.; Караев С. Топонимия Узбекистана (социолингвистические аспекты). –Ташкент, 1991.; Qorayev S. Toponimika. – Tashkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. – 320 б. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари.

